

Гурбат (тахаллуси; асл номи Абдулла Махдум Каримберди ўгли) (1850/53 — Фаргона вилояти Бешарик тумани — 1918) — шоир. Кўконда Муҳаммад Алихон мадрасасида ўқиган. Ўзбек ва тожик тилларида диний-тасаввуфий ва дунёвий мавзуларда ижод қилган. Асарларининг катта қисмини лирик газаллар ташкил этади. Уларда дунё норасолигидан нола-фарёд қилган, илохий ва инсоний муҳаббатни, яхши хулқларни, илм-маърифатни улуглаган, ярамас феъл-атворли кишиларни ҳажв қилган («Оҳким шод айламас...», «Кўлимда пора йўк...», «Гуло, овори ай хар ду жаҳон қилдинг...» ва б.). Унинг Кўкон-Наманган-Андижон саёхатлари ҳақидаги хотиралари машҳур. Гурбат шеърларидан девон (10 минг мисрага яқин) тузган. Унга 442 газал, 25 муҳаммас, 12 рубоий, 7 мураббаъ, 3 марсия, 1 таърих ва 2 чорбайт қирган. «Девони Гурбат» кўлёзмаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кўлёзмалар фондида сақланади (инв. №10067).

ГАЗАЛЛАР

* * *

Юсуф Зулайхо айлади, ман мубтало кайда борай,
Коматларим ё айлади, ман мубтало кайда борай.

Мажнун каби сарсон бўлиб, саргаштаи хижрон бўлиб,
Гунча сифат гамда сўлиб, ман мубтало кайда борай.

Ноз илкида афгор этиб, жабру жафо бисёр этиб,
Аҳду вафо бекор этиб ман мубтало кайда борай.

Бу маскани вайронада хушим, дилим жононада,
Йўқтур санам бутаонада, ман мубтало кайда борай.

Хажр ўтига ҳамдам бўлиб, махзун кўнгил пургам бўлиб
Хасратларим дилга тўлиб, ман мубтало кайда борай.

Рухсори гул, сарву суман, кокиллари мушки Хўтан,
Жўяндаи нозик бадан, ман мубтало кайда борай.

Гурбатга кўп ваъда қилар, бегонага парво қилар,
Аҳдин бузиб ифшо қилар, ман мубтало кайда берай.

* * *

Келиб сен шўхи жаллодим мени сардафтаримни кўр,
Сиришқимдин кизил қонга бўялган бистаримни кўр.

Каро оху кўзинг мужгонидин охир шахид килдинг,
Нечук кифрик эди котилки доги ханжаримни кўр.

Тегиб ўтгил бошимга, изтиробликдин дилим пурхун,
Бу ахборимга бовар килмасанг, хокистаримни кўр.

Юзим хижронларинг даштида бўлдиким хазон янглиг,
Бокиб май аксидин жом ичра шакли мазхаримни кўр.

Хижолатманд бўлиб хайратда колсам ушбу водида,
Хидоят айламас бир йўлга ожиз рахбаримни кўр.

Тил очмамдурки ишрат равнакидин хамнишинларга,
Каноат берди иззатларни тожу афсаримни кўр.

Мукаддар хотирим доим фалакдин бўлди домангир,
Адоват пеша килди деб кадрдон додгаримни кўр.

Менга майхонада навбатки келган эрди бир окшом,
Сулаймон девлари жумбишга солди согаримни кўр.

Жунун аксомидин Гурбатда хайронлик фузун бўлди,
Табибо, бир илож айлаб бу кун фарки саримни кўр.

* * *

Кўзумни конга тўлдирган гули боги Эрам сенсеи,
Итобу гамза килма, сохиби лутфу карам сенсен.

Ривожи икки оламини кўзинг мужгонига сотсам,
Мени ранжур этарга боиси дарду алам сенсен.

Куярмен он кадар хижрон билан хокистарим колмай,
На деб солдинг бошимга^дамбадам андуху гам сенсен?

Такаллум килмадинг, ўлдум десам, товуси хуш рафтор,
Тагофил бирла айлаб жабри бвпоён, ситам сенсен. .

Каро икки кўзингдин бегумон ҳеч ким кутулмайдур,
Жахон ахлига котил, меҳри йўк золим санам сенсен.

Мухаббат офатидин сакла Гурбатни панохингда,
Мисолинг йўк мукаррар хофизи лайки калам сенсен.

* * *

Дилбаро, бошингдаги сунбулму райхон кокилинг,
Солди кўнгулга фарогат рохати жон кокилинг.

Ул куни махфил аро махзун дилимга ўт ёкиб,
Лоладек бағримга пинхон боғлади кон кокилинг.

Куфр элин кўнглига тавфику диёнатлар солиб.
Килмадиму фазли ишкингдаин мусулмон кокилинг.

Бу дили шўридани мажнуни саргардон келиб,
Айлади зулфинг мисолидек паришон кокилинг.

Нофаи мушки Хўтан шарманда хаттинг*бўйидин,
Жумла сунбулларни айлаб хонавайрон кокилинг.

Гарчиким хажрида токат колмади мотам тутиб,
Бир келиб килмас маконимни гулистон кокилинг.

Махвашо, ноз илгида Гурбатни дил афгор этиб,
Айлади андуху гамдин чашм гирён кокилинг.

* * *

Охким, шод айламас кулбамга жононим келиб,
Жон берурман сўрса бир йўл мохи тобоним келиб.

Хасратидин ўртаниб куймай нетармен, дўстларим,
Сўрмаса холимни ул сарви гулистоним келиб.

Солмади зулфини бўйнулга париваш сарвари,
Бир ўзи хижрон туни кокилпаришоним келиб.

Ончунон хуммор эдим, вахдат шаробидин мени
Найлайн шод этмаса сокийи давроним келиб.

Нолаи зорим Сурайёга нечук етмас сахар,
Ёкмас бағримга ўт ул офати жоним келиб.

Мубтало мен дарду гамга дахр аро хар моху еол
Дардга дармон айламас ул мушкулосоним келиб.

Шод бўлмас хотирим Гурбат сабо ахборидин,
Пурсиши хол этмаса то лаъли хандоним келиб.

* * *

Кулуб бир гамза килгин лаъли хандонинг гулоб ўлсун,
Гамингда ишк эли кулфат чекиб холи хароб ўлсун.

Рухинг васфи камардур, ой жамолинг нури «Вашшамси»,
Ки бул хусну малохат то киёмат офтоб ўлсун.

Кадам бош устига кўйгил кулуб келганда кулбамга,
Муножотим била килган дуо мендин ижоб ўлсун.

Хабибо, ишк бирла сўзиши дил бенихоятдур,
Бўлуб олудаи кулфат кўюгда изтироб ўлсун.

Мени мажнунсифат килди, нигорим, гамзаи нозинг,
Кўзум токи гамингда кон тўкар, ашки хуноб ўлсун.

Табассумлар килиб ишк ахлини бехонумон эттинг,
Жамол уммидида ошикларинг багри кабоб ўлсун.

Бошим кўйсам париваш остонангга висолинг-чун,
Губор олудалик бирла таним хоки туроб ўлсун.

Кўзум ашки била, котиб, китобат кил фирокидин,
Жарохатлик кўнгул дарди халойикка китоб ўлсун.

Жафокора етар, Гурбат, дил узма ул нигорингдин,
Бу дунёда ситам чексанг на деб анда азоб ўлсун.

* * *

Гуло, овораи хар ду жахон килдинг, ўзинг килдинг,
Нихоли коматимни нотавон килдинг, ўзинг килдинг.

Кўнгул мулкин ситам бирла зироатгохи гам айлаб,
Юзимни халк ичинда заъфарон килдинг, ўзинг килдинг.

Тагофил доманин махкам тутиб ахволима бокмай,
Кўзим ашкини пайваста равон килдинг, ўзинг килдинг.

Замирим арзига хар кун сочиб жавру жафо тухмин,
Халойик олдида шўри замон килдинг, ўзинг килдинг.

Шахид этмок учун дилбар бокиб вахшат билан дои^м,
Кўзинг бедодидин бехонумон килдинг, ўзинг килдинг.

Гули мақсад мисоли гунчадек харгиз очилмайдур,
Итоб айлаб ки сен кўксумни кон килдинг, ўзинг килдинг.

Фано айлаб нигор умрим бахорини нафас ўтмай,
Гулистони маошимни хазон килдинг, ўзинг килдинг,

Жахон мулкига Гурбатни адамдин келтуруб мундог,
Яна хоки мазаллатга нихон килдинг, ўзинг килдинг.

* * *

Кўлимда пора йўк эмак, емакка зор мискинман,
Акиқдин хам кизилрок бибизоат хор мискинман...

Деёлмай хасратимни нотавон кўнглум бўлиб гамгин,
Карам айланг менга бир мархабо ночор мискинман.

Агар ўлдим десам оч, кимса шафкат хубзини вермас,
Бу пинхон нуктадин кувват кетиб афгор мискинман.

Ўкиб илми каноат дарсини, килмай тамаъ элдин,
Изожо алказомен шиддатил жўёр мискинман.

Жужуклар хотиримда хар нафасда юз мурур айлар,
Паришонликда ахволим кечиб безор мискинман.

Убайдулло отим бор арсада, аммо лакаб Гурбат,
Бухорода мусофир сохиби ашъор мискинман.

* * *

Сувга танкис баъзи дарёга якин кишлоклар,
Чикмагай безгак касаллардин алар ўртоклар,

Рустаму Бойман семиз иттек талашда ер учун,
Сарф этиб дунёларини ори йўк ахмоклар.

Жумъабой шайтон деганлар озгуруб васвос билан,
Ул дарахти тубидин лаънат айтар япроклар.

Эрка кингир каж сиришт фосик кишидур беномоз,
Маъсиятлардин осур аънокига буклоклар.

Пирмухаммад бул сухан хитлик килиб пул берди кўп,
Ўлмади хўжа Мурод жинжир деган даккоклар.

Сўрма Хамрокул-ягирдин дину оин расмини,
Додари песу мохов рахмат сариг яркоклар.

Эрмухаммад сурни ўглига наққорликдур кўнгул,
Ахли дониш бул рамузимдин килур итлоқлар.

Бир наманганлик имомни хазратй Идрис билиб,
Дебди Гўрўгли китобдин котиби муштоклар.

Хутбахонлик вақтида Лут кавмини тавсиф этар,
Санъати дажжол сифат ночор ўкиб ашроқлар.

Очма тил, Гурбат, Сулаймонкул аминдин шиквага,
Эхтимолки урса ханжар хўжаи офоқлар.

* * *

Кириб сайр этмаган кўнглида кўп армен экан, гимнав»
Маризи бедавони дардига дармон экан, гимназ.

Биринчидин караб боксанг хама таъдил арконлиг,
Бирон-бир мамлакатда мисли йўк айвон экан, гимназ.

Ки баъзи баччалар саккиз ёшидин ўн биргача бир хайл^
Адаблик баччалар тўти каби хушхон экан, гимназ.

Бири шнон тилинда, ўзгаси хар корига машгул,
Муслмон акли косирдур, хама аркон экан, гимназ.

Забони русияни баъзиси тахсил этар анда,
Магарким ислондин аввал илсон экан, гимназ.

Лотин хам тахсил ўлмишким мударрис зери хукминда,
Франсуз лафзини касб этгани фармон экан, гимназ.

Ўтурган жойларидин турса бўлмас кўрмайин устоз,
Аларга лутфи хак одобидин бергон экан, гимназ.

Урулса кўнгирок сабсим чикарлар кут учун дархол,
Кирур вақтида хам кўнгирок била тургон экан, гимназ.

Ки шогирдлар чикиб кетган сўгин жумла мударрислар
Ажаб суҳбат куруб мажлис ила майдон экан, гимназ.

Хама дарсхонада хар хил забонин тахсил этмишким,
Маротиблик муаллимлар бўлур даврон экан, гимназ,

Мукориндур фалакка, яъни кўп аъло иморатлик
Жавохирлар аср бермиш нечук биткон экан, гимназ.

Агарда мактабига келмаса байшидин тафтиш,
Сабаб келмаслиги бу деб жавоб айткон экан, гимназ.

Кезиб ман неча иклим кўрмадим Гурбат баён этсам
Магар кўрдим келиб Тошкентда бир дур кон экан, гимназ,

МУХАММАСЛАР

* * *

Пардадин рух очма гул, токи тикон ўртанмасун,
Нола айлаб булбули боги жахбн ўртанмасун,
Хуру гилмону беҳишти жовидон ўртанмасун,
Танда жон мажрух бўлуб рухи равон ўртанмасун,
Махрами розим юзингдин хонумон ўртанмасун.

Масканимни олдидин, эй нозанин, килгил гузар,
Ончунон расвои даврон мен мусофир дарбадар,
Хамнишинлар жумласи пинхон гамимдин беҳабар,
Ошики зорингга тоат нолаи охи сахар,
Кахрабо янглиг юзумдин заъфарон ўртанмасун.

Косидо, келтур бу кун маъшуки гулрухдин паём,
Шод бўлмай хотирим хайратда ранжурмен мудом,
Ошеним зулфи махбубдин каронгу субху шом,
Гар никоб очса гулистонда парирў хушхиром,
Жабраил бисмил бўлуб габриён ўртанмасун.

Топмадим дардимга чора, эй табиби ахли дин,
Йўк экан ошиклара осойиши рўйи замин,
Кимга фарёдимни айтай, хасрато, деб, махжабин,
Гуссадин тортиб укубат гунчадек кўнглум хазин,
Сен келиб холимни сўрсанг ошён ўртанмасун.

Эй нигорим, лоладек кўксумни асвад доги бор,
Етти иклимни кезибмен топмадим бир гамгусор,
Жумла махфи сирларим хуршид янглиг ошкор,
Айласанг токи маконим кунжидин бир йўл гузор,
Лаб очиб то сўз баён килсам лисон ўртанмасун.

Гарданам бори гаронлардин бу кун занжирдадур,
Кўз юмуб ўттум йўлукса доимо гилмону хур,
Топмади йўл талх комимга дариг айшу хузур,
Шом экан ахли мухаббатларга айёми духур,
Мен куяй танхо кўюнгда кутсиён ўртанмасун.

Мухтасар кил гуссадин, Гурбат, мени багрим кабоб,
Ул куёш доим юзига тортадур гулгун хижоб,
Ошнк ахлига.килиб оху кўзи нозу итоб,
Иттиходлиг риштасин тутган кишига кўп азоб,
Килса, гул ифшо ўзин дориламон ўртанмасун.

* * *

Сени хоки кудумингга фидо жонлар нигор эмди,
Каронгу масканимни олдин килгил гузор эмди,
Кўриб наргис рухингни телба бўлди гулузор эмди,
Жунунлиг шиддатида колмади сабру карор эмди,
Кўзинг мужгонидин ўлдир мени бир шахсувор эмди.

Савод ўлмай нетар зулфингни аксидин хама маскан,
Жамолинг партавида эътизолим бўлмаса равшан,
Хароботи халойикка юзинг монанди бир гулшан,
Килиб Намруди хижронинг вужудим жумласин гулхан,
Куйиб хокистаримдин колмади сўрсанг губор эмди.

Кўйиб бир мехру шафкат бирла махфилда хиром эттинг,
Итобу гамза айлаб шахду шаккардек калом эттинг,
Риёзи оразингга мурги кўнгулларни ром эттинг,
На деб каттиг таманнони ўзингга илтизом эттинг,
Тўкиб кон ашкини афтода чашмим интизор эмди.

Фалак хуршиди махтоби рухингдин бўлди шарманда,
Нужумлар хам сенга бир сажда килмакка сарафканда,
Санам, хуснингни васфин этгали ожиз хама банда,
Олиб качкул кўлимга кайда хажрингдин кийиб жанда,
Бўлай дерман мухаббат шавкида беэътибор эмди.

Мени, котил, келиб кахринг билан бутхонада ўлдур,
Юзимни кахрабо янглиг килиб лабташнамен ранжур,
Билол этган садодин масканимни кил илохи дур,
Менингдек, бўлмас ун хеч ким париваш хуснига магрур,
Жабинларга ёзилгай то киёмат хажри ёр эмди.

Биёбонга чунонча бетакаррур бир сафар килдим,
Халойик шиквасидин гўши хотирларни кар килдим,
Муножотимни кил ёраб кабул охи сахар килдим,
Жанозамга ўшал оху сахрони хабар килдим,
На хожат эътикодлик, мехрибон хешу табор эмди.

Такаллум айласам афсонадур шавки жунунликдин,
Бошимни бир кўтармам то тирикмен сарнигунликдин,

Шикоётимни айтай кимга ахволи забунликдин,
Кафасга тушти тўти хуш талаффуз зуфунунликдин,
Килай бир дам сукут кўп сўзладим беихтиёр эмди.

Фигону нола килсам Жабраил, болу паринг-куйгай,
Ўтиб хокони Чиндин балки шахри Хайбаринг куйгай,
Китобат айласам иншоларимни дафтаринг куйгай,
Мухаббат оташида хамчу нафси аждаринг куйгай,
Мукофоти зинубга тавба килсанг сад хазор эмди.

Хаётинг равнакига онча Гурбат эътимод этма,
Маош асбобини як рўза ризкингдан зиёд этма,
Фалакдин кўп укубат тегса мардумларга дод этма,
Лахад хуббул ватандур занги кўнгулларни шод этма,
Хазон бўлса, келиб боди сабр фасли бахор эмди.

* * *

Кўплаб азият тортиб ёронларим жахонда,
Колдим чикиб Хўканддин Мазгил де.ган маконда,
Ош ўрнига нажосат хар кайси бир дўконда,
Дар балдаи Наманган сардоба Исфахонда,
Эсон-омон юрибман алхол шул замонда.

Келтурса Жабраилким минмас эдим бурок мен,
Гардун жафоси бирла овораи финокмен,
Оминажон, согиндим, кандок килай йирокмен,
Бегонадин заифа завжамга яхширокмен, *
Колган учун гурусна ночор хонадонда.

Козии Бешарикка айдим ёзиб сўзимни,
Гирён килиб надомат абхорида кўзимни,
Килди оокиб табассум кўрган замон юзимни,
Топшурмайин нетармен хак хукмига ўзимни,
Хад бўлмаса тарикча махлуки нотагонда.

Бил сарт аробасига тушган киши шалойим,
Первой каласни сўрсанг устоллари мулойим,
Бошлаб мени чўлистон йўлга азал худойим,
Кўркиб карокчилардин махфи кўнгулда.доим,
Чекмас эдим бу янглиг кулфатни кўп дегонда.

Ул дилкаш Оллоёрбек тилмоч деган саломат,
Бўлсин илохи омин то муддати киёмат,
Зуннунхожа мирзо хат бобида аломат,
Тошхожа сизга килсам бир камтарин надомат,

Хар ерда кадру киммат кунжораю сомонда.

Хожи азиз афандим озода ишфурушлик,
Бешак эрур гумонда кайтиб бориб кўрушлик,
Пул йўк учун кўлимда улфатларим урушлик,
То бўлса Абдурахмон бой бирла ўлтурушлик,
Пашмакни хўб тўқарсиз гулхона ошёнда.

Хожи афанди Исхок аълам муссалами кул
Борсам Азимжон отлик дўстимга ахтариб пул,
Ё бермади аник бир равшан жавобини ул,
Кўрганда агниёни арвохидин бўлиб кул,
Дарду аламларим бор бемор устухонда.

Сирдон биродаримдур махзуми мирза Масъуд,
Шогирдларимни килдим ўлгунча ох, мардуд,
Еткурмасин тамоми бир зарра манфаат суд,
Ушбу сўзимга хат хам коғоз, сиёх машхуд,
Бир Холмухаммад отлик мулло Сирак томонда.

Кўп, меҳрибон волостной мингбошимизни билсам,
То ўлганимча доим хурматларини килсам,
Ёрдам бериб кўнгулни олди билетга келсам,
Кибру хаво кетарму бўйнимга халта илсам,
Дўрмонча, Зодиёну, Риштону, Маргинонда.

Ранги чўтир, кўзи кўк, исми нихон сариг рў,
Бепул агар топилса хар ерда чойи хушбў,
Бир кўрпалик пишик сурп химмат килиб художў,
Ховлига тез юборсин гугурт билан томоку,
Алхол мустакимман бормоклигим гумонда.

Менким Ниёз Мухаммад мирзога ёздим иншо,
Тегса ўшал юборган сирком кўлига аммо,
Килсун ракам чистон ёки ажиб муаммо,
Мансур Хожа муфти хозирги ахли фатво,
Камчин билан урарман хар ким ёмон дегонда.

Умрингда кўрмаган гул мазкур чаманда бордур,
Тогларда битган арча албатта бешумордур,
Дунёдаги нимарса ўз масканида хордур,
Хар ерда бу камина мардумга эътибордур,
Келган эдим Наманган шахрига ёш эконда.

Апрелни ўттизида якбора Тўракўргон,
Токат нечук килурман солса кўнгулга тугён,

Хожи тўрамни исмин айлаб дилимда пинхон,
Нонуштага ер эрдим борсам агар патир нон,
Резинкали тилашка келса сахар, азонда.

Хосилки хисса кўтах истаб аробакашни,
Мирзо Назарга бердим хосилки ришу пашни,
Артиб тамоми дилдин хар канча гилу гашни,
Танхо на деб юрурман топсамки кўз талашни,
Азбаски аклу хушим фарзаиди меҳрибонда.

Хозирда Чусту, Чотгал, Косонга ошгаим йўк,
Фикримда ёди Мавло беҳуда тошганим йўк,
Мўйлабни гарчи олмам йўлдин адашганим йўк,
Сел келди деб томоку тортарга шошганим йўк,
Тарк айламай далоил дардимни хар каёнда.

Хожи тўра афанди козии Тўрақўргон,
Шухратда номларидир Исо сифат Исхокхон,
Гўёки бир эшондек айлаб факирни меҳмон,
Колдим кўриб таажжуб хоналарини хайрон,
Ходис деманг кадимдин ошно эдик нихонда.

Гурбатни суратиди нафрат килур кўнгуллар,
Хар бир сўзида аммо лекин'нашими гуллар,
Ёлгон сухан демасман бўйнимга солса гуллар,
Бир неча шоирингиз ашъорини ўгирлар,
Рост эрса, кўл кўйинглар, бу сафхага тубонда.